

# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

## КУНГАБОҚАР НАВЛАРИДА ҲОСИЛ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ЭКИШ ТИЗИМИ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИШ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Абдуғаниева Мушарраф Хабибулло қизи

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар

институти таянч докторанти

### Аннотация

Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кунгабоқарнинг маҳаллий ва хорижий навларини такрорий экин сифатида экиш муддатлари ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш меъёрларини ҳосил элементларининг шаклланишига таъсири ўрганилди.

**Калит сўзлар:** ўтлоқи тупроқ, кунгабоқар, минерал ўғитлар, экиш тизими, кўчат қалинлиги, ҳосил элементлари.

### Аннотация

В условиях луговых почв Андижанской области изучено влияние сроков посева местных и зарубежных сортов подсолнечника в качестве повторной культуры и норм подкормки минеральными удобрениями на формирование элементов урожая.

**Ключевые слова:** луговая почва, подсолнечник, минеральные удобрения, система посадки, толщина всходов, элементы урожая.

Abstract. In the conditions of meadow soils of the Andijan region, the influence of the timing of sowing local and foreign varieties of sunflower as a repeat crop and the norms of fertilizing with mineral fertilizers on the formation of crop elements was studied.

Key words: meadow soil, sunflower, mineral fertilizers, planting system, seedling thickness, harvest elements.

Кириш. Бугунги кунда Республикамиз аҳоли сонининг ўсиб бориши ўсимлик мойига бўлган талабнинг ортиб боришига олиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида ички бозорни ўсимлик мойига бўлган



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

эйтиёжини қондиришда кузги ғалладан бўшаган майдонлардан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқишдек муҳим масала билан юзма-юз келишига тўғри келмоқда.

М.Қ.Луковнинг таъкидлашича, кунгабоқардек фойдали дала экинини топиш қийин. Бошоқли дон экинларидан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида кунгабоқар етиштирилганида 1 гектар майдондан 2,5 тонна уруғ ҳосил ёки ундан 1200 кг истеъмол учун ишлатиладиган экологик тоза мой, 800 кг. шрот (300 кг оқсил), 500 кг кунгабоқар пистаси пўчоғи (ундан 70 кг ачитқи моддаси) 1500 кг саватча, гуллаш фазасида асаларилар ёрдамида 30 кг. асал ва бошқа кўплаб фойдали маҳсулотлар олиш мумкин [1].

Кунгабоқар муҳим мойли экинлардан бири. Замонавий кунгабоқар навларининг уруғларида 50-54% ярим қурийдиган сифатли мой сақланади. Унинг мойидан бевосита озиқ-овқатга, балиқ, сабзавот консерваларини тайёрлашда, маргарин, нон ва кондитер маҳсулотларини ишлаб чиқаришда фойдаланилади [2].

Юқорида келтирилган шарҳлардан кўриш мумкинки, кунгабоқар экинидан бошқа экинларга нисбатан озиқ-овқат учун сифатли мой олиш имконини беради.

Тадқиқот материаллари ва услуги. Ушбу муаммони ҳал этиш мақсадида Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида кузги ғалладан бўшаган майдонларда такрорий экин сифатида кунгабоқарнинг маҳаллий “Дилбар”, “Янги замон”, хорижий “Березанский”, “Родник (Р 453)” навларидан юқори ва сифатли уруғ ҳосили етиштиришда мақбул кўчат қалинлиги ва ўсув даврида минерал ўғитлар меъёрларига бўлган талаби ўрганилди.

Тажриба тизими 16 та вариантдан иборат бўлиб, 3 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилади. Тажриба даласида эгат кенглиги 60 см, узунлиги 50 м. Ҳар бир булакчалар майдони 240 м<sup>2</sup>, ҳисобга олинadиган майдон 120 м<sup>2</sup>. Тажрибаларнинг умумий майдони 1,2 га. Тажриба 3 йил давомида олиб борилади.



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

## 1-жадвал ТАЖРИБА ТИЗИМИ

№	Кунгабоқар навлари	Уруф экиш тизими	Назарий кўчат қалинлиги, минг дона/га	Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёрлари, кг/га
1	Дилбар	60x25-1	66,4	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
2		60x30-1	55,3	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
3		60x25-1	66,4	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
4		60x30-1	55,3	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
5	Янги замон	60x25-1	66,4	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
6		60x30-1	55,3	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
7		60x25-1	66,4	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
8		60x30-1	55,3	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
9	Березанский	60x25-1	66,4	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
10		60x30-1	55,3	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
11		60x25-1	66,4	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
12		60x30-1	55,3	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
13	Родник (Р 453)	60x25-1	66,4	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
14		60x30-1	55,3	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>
15		60x25-1	66,4	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>
16		60x30-1	55,3	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>

Эслатма: Тажриба тизимида кўрсатилган фосфорли ва калийли ўғитлари экиш олдида шудгор остига тўлиқ миқдорда қўлланилади.

Дала тажриба вариантларини жойлаштириш ва ўсимликлар устида олиб бориладиган фенологик кузатувларни олиб боришда “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПТИ-2007) [3] услубий қўлланмасидан, тажриба даласида агротехник тадбирларни қўллашда “Кунгабоқар етиштириш



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

технологияси бўйича фермерлар учун тавсиянома (Тошкент-2019)дан фойдаланилди [4].

Таҳлил ва натижалар. Тажриба вариантларига уруғлар 20-июн санасида экилди ва 21-июн куни қондириб суғорилди. Кўчатларнинг униб чиқиши бўйича олиб борилган кузатувларнинг кўрсатишича, барча вариантларда уруғларнинг дала унувчанлиги 87,5 фоиздан 88,0 фоизгача, кўчатларнинг униб чиқиши эса мос равишда 60x25-1 экиш тизимида 58,1 дона/пм дан 58,4 дона/пм гача, 60x30-1 экиш тизимида эса кўчатлар 48,4 дона/пм дан 48,6 дона/пм гача эканлиги аниқланиб, навлар кесимида бир-биридан катта фарқлар кузатилмади.

Аммо, амал даври охирида ўрим олдида вариантларда ҳақиқий кўчат қалинликлари ўрганилганида, қўлланилган агротехник тадбирларнинг таъсири сезиларли бўлганлиги қайд этилди.

Жумладан, Кунгабоқарнинг “Дилбар” нави уруғлари 60x25-1 ва 60x30-1 тизимларда экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган 1-2 вариантларда амал даври охирида кўчат қалинлиги 54,5-45,6 дона/пм ни ташкил этиб, ўсув даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 6,5-5,7 фоизни ташкил этган бўлса, уруғлар 60x25-1 ва 60x30-1 тизимда экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N180P90K120 кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган 3-4 вариантда кўчат қалинлиги 55,5-46,5 дона/пм, ўсув даврида нобуд бўлган кўчатлар сони 5,1-4,2 фоизни кўрсатиб, 1-2 вариантларга нисбатан кўчат қалинлиги 1,0-0,9 дона/пм га юқори бўлиб, ўсув даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 1,4-1,5 фоизга кам бўлганлиги аниқланди.

Кунгабоқарнинг “Янги замон” нави уруғлари 60x25-1 ва 60x30-1 тизимларда экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган 5-6 вариантларда амал даври охирида кўчат қалинлиги 55,1-46,1 дона/пм ни ташкил этиб, ўсув даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 5,6-4,8 фоизни ташкил этган бўлса, уруғлар 60x25-1 ва 60x30-1 тизимда экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N180P90K120 кг/га меъёрлари билан озиқлантирилган 7-8-вариантда кўчат қалинлиги 55,9-46,7 дона/пм, ўсув даврида нобуд бўлган кўчатлар сони 4,2-3,7 фоизга тенг бўлиб, 5-6 вариантларга нисбатан кўчат қалинлиги 0,8-0,6 дона/пм га юқори бўлиб, ўсув



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 1,4-1,1 фоизга кам бўлганлиги қайд этилди.

Кунгабоқарнинг “Березанский” нави уруғлари 60x25-1 ва 60x30-1 тизимларда экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари билан озиклантирилган 9-10 вариантларда амал даври охирида кўчат қалинлиги ўрганилганида 54,9-45,9 дона/пм ни кўрсатиб, ўсув даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 6,0-5,5 фоизни ташкил этган бўлса, уруғлар 60x25-1 ва 60x30-1 тизимда экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N180P90K120 кг/га меъёрлари билан озиклантирилган 11-12-вариантда кўчат қалинлиги 55,5-46,7 дона/пм, ўсув даврида нобуд бўлган кўчатлар сони 4,5-3,9 фоизни ташкил этиб, 9-10 вариантларга нисбатан кўчат қалинлиги 0,6-0,8 дона/пм га юқори бўлиб, ўсув даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 1,5-1,6 фоизга кам бўлганлиги маълум бўлди.

2-жадвал

Кунгабоқар навлари кўчат қалинлигига минерал ўғитлар билан озиклантириш меъёрларининг таъсири

Вар.	Кунгабоқар навлари	Экиш тизими	Амал даври охирида кўчат қалинлиги, дона/пм.	Ўсув даврида нобуд бўлган кўчатлар, %.
1	Дилбар	60x25-1	54,5	6,5
2		60x30-1	45,6	5,7
3		60x25-1	55,5	5,1
4		60x30-1	46,5	4,2
5	Янги замон	60x25-1	55,1	5,6
6		60x30-1	46,1	4,8
7		60x25-1	55,9	4,2
8		60x30-1	46,7	3,7
9	Березанский	60x25-1	54,9	6,0
10		60x30-1	45,9	5,5
11		60x25-1	55,5	4,5
12		60x30-1	46,7	3,9



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

13	Родник (Р 453)	60x25-1	55,0	5,3
14		60x30-1	46,4	4,5
15		60x25-1	56,0	3,8
16		60x30-1	47,0	3,2

Кунгабоқарнинг “Родник (Р 453)” нави уруғлари 60x25-1 ва 60x30-1 тизимларда экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари билан озиклантирилган 13-14 вариантларда амал даври охирида кўчат қалинлиги ўрганилганида 55,0-46,4 дона/пм ни кўрсатиб, ўсув даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 5,3-4,5 фоизни ташкил этган бўлса, уруғлар 60x25-1 ва 60x30-1 тизимда экилиб, ўсув даврида минерал ўғитларнинг N180P90K120 кг/га меъёрлари билан озиклантирилган 15-16 вариантда кўчат қалинлиги 56,0-47,0 дона/пм, ўсув даврида нобуд бўлган кўчатлар сони 3,8-3,2 фоизни ташкил этиб, 13-14 вариантларга нисбатан кўчат қалинлиги 1,0-0,6 дона/пм га юқори бўлиб, ўсув даврида кўчатларнинг нобуд бўлиши 1,5-1,3 фоизга кам бўлганлиги аниқланди.

Барчага маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш даврида қўлланилган агротехник тадбирлар ҳосил элементларига ўз таъсирини ўтказиши кўплаб олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда ўз исботини топган.

Биз ҳам тадқиқот даври охирида вариантларда парваришланган кунгабоқар навларини ҳосил элементларини шаклланишига қўлланилган омилларнинг таъсирини аниқлан мақсадида фенологик кузатув ишларини олиб бордик.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, кунгабоқарнинг “Дилбар” нави уруғлари 60x25-1 ва 60-30-1 тизимларда экилиб, маъданли ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари қўлланилган 1-2 вариантларда битта саватча диометри ўртача 27,1-28,7 см, битта саватчанинг умумий оғирлиги 96,8-112,3 гр, бўш саватча оғирлиги 44,5-51,5 гр, битта саватчада уруғлар сони ўртача 587,6-712,2 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 52,3-60,8 гр, битта саватчадаги ривожланмай қолган уруғлар 7,4-8,5%, 1000 дона уруғ вазни 93,0-86,5 гр ни ташкил этган бўлса, маъданли ўғитларнинг N180P90K120 кг/га меъёрлари қўлланилган 3-4 вариантларда битта саватча диометри ўртача 28,0-29,5 см, битта саватчанинг умумий оғирлиги 105,1-118,9 гр, бўш саватча



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

оғирлиги 48,5-53,1 гр, битта саватчада уруғлар сони ўртача 655,3-836,7 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 56,6-65,8 гр, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 6,5-7,2%, 1000 дона уруғ вазни 91,2-83,5 гр ни ташкил этиб, маъданли ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари қўлланилган 1-2 вариантларга нисбатан битта саватча диометри 0,9-0,8 см га, битта саватчанинг умумий оғирлиги 8,3-6,6 гр га, бўш саватча оғирлиги 4,0-1,6 гр га, битта саватчада уруғлар сони 67,7-124,5 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 4,3-5,0 гр га, 1000 дона уруғ вазни 1,8-3,0 гр га юқори бўлиб, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 0,9-1,3% га камайганлиги аниқланди.

Кунгабоқарнинг “Янги замон” нави уруғлари 60x25-1 ва 60-30-1 тизимларда экилиб, маъданли ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари қўлланилган 5-6 вариантлар таҳлил қилинганида, битта саватча диометри ўртача 27,0-27,8 см, битта саватчанинг умумий оғирлиги 97,6-110,8 гр, бўш саватча оғирлиги 47,1-52,1 гр, битта саватчада уруғлар сони ўртача 544,4-659,4 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 50,5-58,7 гр, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 8,2-10,0%, 1000 дона уруғ вазни 95,8-98,9 гр ни ташкил этган бўлса, маъданли ўғитларнинг N180P90K120 кг/га меъёрлари қўлланилган 7-8 вариантлар ўрганилганида битта саватча диометри ўртача 27,5-28,5 см, битта саватчанинг умумий оғирлиги 105,4-117,6 гр, бўш саватча оғирлиги 50,0-54,4 гр, битта саватчада уруғлар сони ўртача 604,2-763,8 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 55,4-63,2 гр, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 7,6-9,0%, 1000 дона уруғ вазни 93,0-95,5 гр га тенг бўлиб, маъданли ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари қўлланилган 5-6 вариантларга нисбатан битта саватча диометри 0,5-0,7 см га, битта саватчанинг умумий оғирлиги 7,8-6,8 гр га, бўш саватча оғирлиги 2,9-2,3 гр га, битта саватчада уруғлар сони 59,8-104,3 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 4,9-4,5 гр га, 1000 дона уруғ вазни 2,8-3,4 гр га юқори бўлиб, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 0,6-1,0% га камайганлиги қайд этилди.

Кунгабоқарнинг “Березанский” нави уруғлари 60x25-1 ва 60-30-1 тизимларда экилиб, маъданли ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари қўлланилган 9-10 вариантлар таҳлил қилинганида, битта саватча диометри ўртача 27,8-29,5 см, битта саватчанинг умумий оғирлиги 102,3-115,8 гр, бўш саватча оғирлиги



# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

45,6-51,3 гр, битта саватчада уруғлар сони ўртача 632,5-764,8 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 56,7-64,5 гр, битта саватдаги

## 3-жадвал Қўлланилган агротехник тадбирларни ҳосил элементларининг шаклланишига таъсири

№	Қунгабоқар навлари	Уруғ экиш тизими	Маъданли о'ғ'итлар меъёрлари, кг/га	Саватча диаметри, см (эни)	Битта саватчанинг умумий оғирлиги, гр.	Бўш саватча оғирлиги, гр.	Битта саватчада уруғлар сони, дона	Битта саватчадаги уруғлар вазни, гр.	Битта саватчадаги ривожланмаган уруғлар, %.	1000 дона уруғ вазни, гр.
1	Дилбар	60x25-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>	27,1	96,8	44,5	587,6	52,3	7,4	93,0
2		60x30-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>	28,7	112,3	51,5	712,2	60,8	8,5	86,5
3		60x25-1	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>	28,0	105,1	48,5	655,3	56,6	6,5	91,2
4		60x30-1	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>	29,5	118,9	53,1	836,7	65,8	7,2	83,5
5	Янги замон	60x25-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>	27,0	97,6	47,1	544,4	50,5	8,2	95,8
6		60x30-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>	27,8	110,8	52,1	659,4	58,7	10,0	98,9
7		60x25-1	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>	27,5	105,4	50,0	604,2	55,4	7,6	93,0
8		60x30-1	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>	28,5	117,6	54,4	763,8	63,2	9,0	95,5
9	Березанский	60x25-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>	27,8	102,3	45,6	632,5	56,7	6,5	87,8
10		60x30-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>	29,5	115,8	51,3	764,8	64,5	7,5	82,4
11		60x25-1	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>	29,3	110,2	49,3	692,7	60,9	5,7	85,6
12		60x30-1	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>	30,2	121,4	52,7	850,4	68,7	7,0	80,0
13	Родник (Р 453)	60x25-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>	27,5	98,7	43,6	610,1	55,1	8,0	92,7
14		60x30-1	N <sub>150</sub> P <sub>75</sub> K <sub>100</sub>	28,2	113,4	51,6	738,5	61,8	9,6	86,1
15		60x25-1	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>	27,9	106,8	47,3	674,0	59,5	7,2	90,5
16		60x30-1	N <sub>180</sub> P <sub>90</sub> K <sub>120</sub>	28,8	120,5	51,8	843,6	68,7	8,5	83,1

ривожланмай қолган уруғлар 6,5-7,5%, 1000 дона уруғ вазни 87,8-82,4 гр ни ташкил этган бўлса, маъданли ўғитларнинг N180P90K120 кг/га меъёрлари қўлланилган 11-12 вариантлар ўрганилганида битта саватча диометри ўртача





# Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

29,3-30,2 см, битта саватчанинг умумий оғирлиги 110,2-121,4 гр, бўш саватча оғирлиги 49,3-52,7 гр, битта саватчада уруғлар сони ўртача 692,7-850,4 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 60,9-68,7 гр, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 5,7-7,0%, 1000 дона уруғ вазни 85,6-80,0 гр ни кўрсатиб, маъданли ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари қўлланилган 9-10 вариантларга нисбатан битта саватча диаметри 1,5-0,7 см га, битта саватчанинг умумий оғирлиги 7,9-5,6 гр га, бўш саватча оғирлиги 3,7-1,4 гр га, битта саватчада уруғлар сони 60,2-85,6 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 4,2 гр га, 1000 дона уруғ вазни 2,2-2,4 гр га юқори бўлиб, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 0,8-0,5% га камайганлиги кузатилди.

Кунгабоқарнинг “Родник (Р 453)” нави уруғлари 60x25-1 ва 60-30-1 тизимларда экилиб, маъданли ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари қўлланилган 13-14 вариантлар таҳлил қилинганда, битта саватча диаметри ўртача 27,5-28,2 см, битта саватчанинг умумий оғирлиги 98,7-113,4 гр, бўш саватча оғирлиги 43,6-51,6 гр, битта саватчада уруғлар сони ўртача 610,1-738,5 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 55,1-61,8 гр, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 8,0-9,6%, 1000 дона уруғ вазни 92,7-86,1 гр ни ташкил этган бўлса, маъданли ўғитларнинг N180P90K120 кг/га меъёрлари қўлланилган 15-16 вариантлар ўрганилганда битта саватча диаметри ўртача 27,9-28,8 см, битта саватчанинг умумий оғирлиги 106,8-120,5 гр, бўш саватча оғирлиги 47,3-51,8 гр, битта саватчада уруғлар сони ўртача 674,0-843,6 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 59,5-68,7 гр, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 7,2-8,5%, 1000 дона уруғ вазни 90,5-83,1 гр ни кўрсатиб, маъданли ўғитларнинг N150P75K100 кг/га меъёрлари қўлланилган 13-14 вариантларга нисбатан битта саватча диаметри 0,4-0,6 см га, битта саватчанинг умумий оғирлиги 8,1-7,1 гр га, бўш саватча оғирлиги 3,7-0,2 гр га, битта саватчада уруғлар сони 64,0-105,1 дона, битта саватчадаги уруғлар вазни 4,4-6,9 гр га, 1000 дона уруғ вазни 2,2-3,0 гр га юқори бўлиб, битта саватдаги ривожланмай қолган уруғлар 0,8-1,1% га камайганлиги аниқланди.

Вариантлардан олинган натижалардан кўриш мумкинки, кунгабоқарнинг барча навларида ҳам бир хил қонуният сақланиб қолганлиги кузатилгани ҳолда маъданли ўғитлар меъёрларининг ортиб бориши ҳосил элементларининг шаклланишига ижобий таъсир этганлиги қайд этилди.



## Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25<sup>th</sup> Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: [econferenceseries.com](http://econferenceseries.com)

Хулоса. Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосланиб, шуни таъкидлашимиз мумкинки, Андижон вилоятининг ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб борилган тадқиқотларда маҳаллий навадан “Янги замон”, хорижий навадан эса “Родник (Р-453)” нави ўзининг ташқи омилларга бардошлилиги билан бошқа навларга нисбатан устунлигини кўрсатди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Луков.М.Қ. Мойли экинлар селекцияси ва уруғчилиги (лексиялар курси), Самарқанд-2012. 11-12-б.
2. Орипов Р.О., Халилов Н.Х.. Ўсимликшунослик // Ўқув қўлланма. Тошкент-2006. 391-392.
3. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари Т-2007 й. Б. 133-138.
4. Абдукаримов Д.Т., Халилов Н.Х., Луков М.Қ., Юлдашева З.К ва бошқалар. “Кунгабоқар етиштириш технологияси бўйича фермерлар учун тавсиянома”, Тошкент-2019. Б.11-14.

